

ЁҒОЧГА ИШЛОВ БЕРИШ ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИДАГИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хушнуд Каландарович Якубов

Урганч давлат университети «Технологик таълим» кафедраси доценти

Шахноза Собирбоева

Урганч давлат университети «Технологик таълим» кафедраси магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7184040>

Аннотация. Ёғочга ишлов бериш ўқув устахоналаридаги машғулотларда электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсатиб берилган

Калит сўзлар: технологик таълим, ўқув устахонаси, технологик операция, масофавий ўқитиш,

ПРИМЕНЕНИЕ ЭЛЕКТРОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ НА ЗАНЯТИЯХ В УЧЕБНОЙ МАСТЕРСКОЙ ОБРАБОТКИ ДРЕВЕСИНЫ

Аннотация. Показана эффективность применения электронных образовательных ресурсов на занятиях в учебной мастерской обработки древесины

Ключевые слова: технологическое образование, учебная мастерская, технологическая операция, дистанционное образование .

APPLICATION OF ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES IN THE LESSONS IN THE TRAINING WORKSHOP OF WOOD PROCESSING

Abstract. The effectiveness of the use of electronic educational resources in the classroom in the educational workshop of wood processing is shown.

Keywords: technological education, training workshop, technological operation, distance education.

КИРИШ

Ҳозирги, техника ва материаллар доимо ўзгараётган шиддатли замонамизда кадрлар тайёрлашга бўлган талабларни янгилаб бориш заруриятини туғдиради. Энди ходим билим ва кўникмаларнинг маълум миқдори билан чегараланиб қолмасдан, ўсиб бораётган меҳнат шароитларига мослашиш учун уларни доимо тўлдириб бориши лозим. Айнан шундай ходим янги билимларни эгаллайди ва уларни ўз фаолиятида қўллаш олади. Бу янги маҳсулотлар, фаолиятнинг янги самарали турлари пайдо бўлишига, бу эса ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий ривожининг ижобий динамикасига сабаб бўлади

«Технология» ўқув предметини ўқитиш концепциясида технологик таълим ҳақида «...таълим олувчиларга фан асослари ҳақидаги билимларни амалиётга қўллаш, инсон ўзгартирувчи фаолиятининг умумий принциплари ва конкрет кўникмаларини ўзлаштириш имкониятини берувчи, турли шаклдаги ахборот ва материал маданиятни, шунингдек янги маҳсулот ва хизматлар яратишни ўргатувчи умумий таълимнинг зарурий компоненти» дейилган [1].

Юқорида қўйилган вазифаларга талабаларда билиш фаоллигини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Фақат шунда таълим талабаларнинг маълум базавий билимлар олишлари билан яқунланмасдан, мустақил таълимга айланиб, давом этади. Шунда биз маълум чегараланган билим ва кўникмаларга эга бўлган таълим олувчиларга эмас, балки ҳаёт фаолияти ва меҳнатнинг ўзгарувчан шароитларига тайёр бўлган, доимо ривожланиб боровчи шахсга эга бўламиз.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Рақамлаштириш шароитларида таълимнинг трансформацияси таълим жараёни ташкил қилишни дистант режими сценарийси бўйича ривожланмоқда. Таълим жараёнига, шу жумладан олий таълимга рақамли технологияларнинг жорий қилиниши турли муаллифлар фикрларига кўра бир қатор ижобий томонларга эга: таълим муассасалари фаолиятининг шаффофлиги; талабаларни ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш имконияти; таълим траекториясининг индивидуаллаштирилиши; ўқув муваффақияти мониторингини персонализацияси; белгиланган таълим натижаларини тўла ўзлаштирилишининг таъминланиши; таълим олувчилар шахсининг ривожланиши: уларда интизом, масъулиятнинг шаклланиши, лойиҳа конструкторлик қобилиятларнинг ривож, ўз ўзини ривожлантиришга иштиёқнинг пайдо бўлиши[2].

Билиш фаолияти ҳақида фикр юритганда турли илмий ишларда келтирилган услубларга эътиборни қаратиш керак бўлади.

Ю.В. Алеева метод сифатида муаммоли ёндашувни қараб чиқиб билиш фаоллигининг ривожланишини «талабаларнинг конкрет масалаларни англаш ва ечишга қаратилган ҳаракатлари»ни ташкил қилиш ва «муаммонинг туғилиш жараёни билиш акти» эканлигини таъкидлайди[5].

Т.В. Ворончихина, А.О. Ивонин ўз тадқиқотларида билиш фаоллигини ривожлантириш учун муаммоли-изланишли ёндашув, интерактив ўқитиш усуллари, фаолиятли ёндашув каби актив методлар мажмуидан фойдаланишади; бундан ташқари улар ривожлантирувчи дидактик усуллар турли шакллари жорий қилишади ва ҳар хил мотивация методларидан фойдаланишади(эмоционал, билиш ва ҳ.к.) [6].

Н.М. Стукаленко, Г.К. Кайникенова, Г.Т. Кусаинова метод сифатида модулли ўқитиш технологияси асосидаги актив методларни таклиф қилишади. Ушбу ҳолда «... талабанинг ўзи ўқиши, ўқитувчи эса унинг ўқишини бошқариши: мотивациялаш, ташкил қилиш, активлаштириш, координациялаш, маслаҳат бериш ва назорат қилишни амалга ошириши лозим. Модулли технология актив методлар билан биргаликда талабаларнинг билиш фаоллиги ривожланишига самарали таъсир этади» [7].

«Технология» соҳаси учун билиш фаоллигини оширишда асосий метод сифатида лойиҳа методи тан олинган. Берилган соҳада лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда доимий тарзда тадқиқот фаолияти ва фундаментал билимлардан тизимли фойдаланишга мурожаат қилинади.

Талабалар учун шахсий қизиқиш ва кадр қийматлар таълим ва маиший соҳадаги лойиҳа фаолияти туфайли боғланади. Лойиҳа фаолияти талабалар билиш кўникмаларини ривожлантиради, критик ва ижодий фикрлаш, шунингдек ахборот излаш ва таҳлил қилишда мустақилликка ўргатади.

Ҳозирги вақтда бўлажак технология ўқитувчиларини предметли тайёрлаш олдида мураккаб вазифа турибди. Ўқув режасида ажратилган, нисбатан кўп бўлмаган вақт мобайнида материал технологиялар соҳасида талабаларни талаб қилинадиган тайёргарлик даражасини таъминлаш лозим.

Электрон таълим ресурслари потенциалидан фойдаланиш ўқув курсининг таълимий имкониятларини аудитория машғулотларига вақтни оширмасдан сезиларли кенгайтиришга имкон беради.

Технология йўналишида ўқув устахоналаридаги машғулотларида «Ёғочга ишлов бериш»ни ахборотли қўллаб қувватлаш бакалавр талабаларини технологик тайёрлашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда бундай ишлов беришга ўргатиш талабалар мустақил билиш фаолиятини турли ахборот манбалари, ўрганилаётган фан бўйича махсус ишлаб чиқилган ўқув материаллари ва ўқув жараёнини ташкил қилувчи ва координацияловчи, топшириқларни бажаришда маслаҳатлар берувчи, ўқув лойиҳаларининг назарий қисмига раҳбарлик қилувчи ва талабалар ўқув фаолиятини баҳоловчи ўқитувчи билан тизимли ўзаро таъсирини мослашувчан тарзда ҳамоҳанг бўлишини кўзда тутди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Moodle платформасида қуйидаги таълим ресурслари жойлаштирилди: фан мазмунининг структура схемаси, мавзулар бўйича топшириқлар иллюстрация материаллари (фототасвирлар, видеороликлар, плакатлар, блок схемалар ва жадваллар), ўқув лойиҳа технологик ҳужжатларидан намуналар, аттестация учун саволлар, тематик адабиёт ва сайтлар танлови.

Талабалар ушбу материаллардан устахонадаги кундузги машғулотларга тайёргарлик учун фойдаланишади. Уларда фанни ўзлаштиришда ва уни рационал режалаштиришда бўлажак ўқув фаолияти олдиндан(баъзи топшириқлар олдиндан бажарилиши мумкин), илгарироқ танишиш имконияти пайдо бўлади. Ёғочга ишлов беришни ўргатиш учун электрон таълим ресурсларини танлаш ва фойдаланишда талабаларнинг актив мустақил ўқув фаолиятини таъминлашни кўзда тутувчи фаолиятли ёндашув принциплари ҳисобга олинди. Предметли тайёргарлик шундай ташкил қилинганки, бевосита ёғочга ишлов бериш технологик усулларни амалий ўзлаштириш ва ўқув жараёнида маҳсулотлар тайёрлашдан ташқари талабалар бир қатор топшириқларни бажаришлари лозим. Бу – технологик операцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган мавзулар бўйича топшириқлар, ва «меҳнат объектини ишлаб чиқиш» мавзусидаги мустақил иш. Ушбу топшириқларни бажариш учун талабалар устахонада бўлиши қилиши талаб қилинмайди, ва улар масофавий бажарилади.

Талабалар томонидан қайсидир технологик операцияни ўрганишдаги топшириқ ушбу мавзу аудиторияда ўқитувчи томонидан тушунтирилишидан олдин бажарилади. Бу ўқитувчига машғулотни конкрет технологик операцияни ўрганишни, топшириқ бажарилишини текшириб ва зарур тушунтириш, аниқликлар киритиб, талабалардан сўрашдан бошлашига имкон беради.

МУҲОКАМА

Турли ахборот манбалари (ўқув ва махсус адабиёт,интернет,тематик сайтлар) ва шахсий тажрибасидан фойдаланиб, талабалардан қуйидаги йўналишларни қараб чиқиш лозим бўлади: технологик операция вазифаси, уни бажариш усуллари, қўлланиладиган инструмент, шунингдек ушбу технологик операцияни бажаришга таъсир ўтказувчи факторлар. Топшириқ маълум технологик операцияни бажарилиш хусусиятларини чуқурроқ ўрганишни шакллантиришга ва мавзу бўйича махсус ахборот танлаш ва уни тақдимот қилиш билан боғлиқ амалий кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган.

Ўрганилаётган технологик операция бўйича ахборот танлаш режа бўйича олиб борилади:

технологик операция номи;
технологик операция вазифаси
маҳсулотдаги намуналар;
қўлланиладиган инструмент ва унинг турлари;
ўқув устахонаси ва саноат ишлаб чиқариши шароитларида технологик операцияни бажариш усуллари;

технологик операцияни сифатли бажариш шартлари;
тематик глоссарий;

гуруҳда муҳокама қилиниши учун мавзу бўйича саволлар (саволлар билиш ва фикрлаш фаолиятини активлаштириши лозим).

Мавзу бўйича зарур иллюстратив материални танлаган ҳолда тақдимот тайёрланади. Ўқув маҳсулотини бажариб бўлгандан кейин талабалар мустақил лойиҳа - «Меҳнат объектини ишлаб чиқиш»га киришишади. Ушбу ишни бажаришар экан, талабалар уларнинг фаолиятида муҳим компонент бўлган ўқув лойиҳа фаолияти хусусиятлари билан танишишади. Топшириқ талабаларни ёғоч маҳсулот(меҳнат объекти)ни ишлаб чиқишнинг барча босқичларидан ўтишларини кўзда тутди. Иш бир неча босқичлардан ташкил топади, кўпчилик босқичлар масофадан туриб бажарилади:

меҳнат объектини танлаш;

Таклиф қилинган режа бўйича ўз меҳнат объектини тавсифлаш;

Чизма-график ҳужжатларни бажариш;

Ўқув технологик харита тузиш;

Ишлаб чиқилган материаллар ва ўз маҳсулоти тақдимотини тайёрлаш.

Топшириқнинг ҳар бир қисми уни муваффақиятли бажариш учун тушунтиришларга эга. Ишнинг кўпроқ самарадорлиги ва мустақил иш қайсидир қисмини бажаргандан кейин рўй бериши мумкин бўлган хатоликларни бартараф қилиш вақтини тежаш учун талабалар уни текширишга тақдим қилишлари лозим. Бунда назорат - маслаҳат иши ўқитувчи томонидан ҳар бир талаба билан масофадан туриб олиб борилади.

ХУЛОСА

Ёғочга ишлов беришни ўргатишда электрон таълим ресурсларидан бундай фойдаланиш фақатгина талабаларнинг предмет бўйича назарий тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатиб қолмасдан, ўқув устахоналаридаги амалий тайёргарлик даражасини ошириш имконини беради, чунки талабалар ва ўқитувчи амалиётга кўпроқ вақт ажратиши мумкин бўлади. Натижада бўлғуси технология ўқитувчиларининг предмет бўйича тайёргарлик даражаси сезиларли ошади.

Бўлғуси технология ўқитувчиларини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг яна бир ижобий томони талабалар ўқувчилар билан ишлашдаги ўз предмет –педагогик фаолиятларида ушбу замонавий таълим технологияларини фаолроқ қўллай бошлашади.

REFERENCES

1. Концепция преподавания предметной области «Технология» в образовательных организациях Российской Федерации, реализующих основные общеобразовательные программы (утверждена Министерством просвещения РФ 29.12.2018) [Электронный ресурс]. - URL: <https://docs.edu.gov.ru/document/c4d7feb359d9563f114aea8106c9a2aa>
2. Проект дидактической концепции цифрового профессионального образования будущего / В.И. Блинов, М.В. Дулинов, Е.Ю. Есенина, И.С. Сергеев. - М.: Издательство «Перо», 2019. - 72 с.
3. Минина В. Н. Цифровизация высшего образования и ее социальные результаты // Вестник Санкт-Петербургского университета. Социология. - Т. 13. - Вып. 1. - С. 84-101. - DOI: <https://doi.org/10.21638/spbu12.2020.106>.
4. Трудности и перспективы цифровой трансформации образования / А.Ю. Уваров, Э. Гейбл, И.В. Дворецкая, И.М. Заславский, И.А. Карлов, Т.А. Мерцалова, И.Д. Фрумин / под ред. А.Ю. Уварова, И.Д. Фрумина: Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики», Ин-т образования. - М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019. - 343 с.
5. Алеева Ю.В. Развитие познавательной активности студентов в целостном педагогическом процессе // Сибирский педагогический журнал. - 2011. - С. 56-64.
6. Ворончихина Т.В., Ивонин А.О. Развитие познавательной активности студентов в процессе обучения в современном вузе // Вестник Вятского государственного университета. - 2012. - № 3-3. - С. 39-41.
7. Стукаленко Н.М., Кайникенова Г.К., Кусаинова Г.Т. Развитие познавательной активности у студентов вуза // Международный журнал экспериментального образования. - 2016.
8. Латышев, А.В. Подготовка к профессиональной деятельности будущих учителей технологии в учебных мастерских вуза; учебно методическое пособие / М.: МПГУ, 2020. - 104 с.